

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ПЕДАГОГ ВА РАЎБАР КАДРЛАРИНИ
ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШНИ
ТАШКИЛ ЭТИШ БОШ ИЛМИЙ - МЕТОДИК МАРКАЗИ**

**ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ПЕДАГОГ
КАДРЛАРНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ
ОШИРИШ МИНТАҚАВИЙ МАРКАЗИ**

**“МАТЕМАТИКА ФАНИНИ ЎҚИТИШДА
ИЛҒОР ХОРИЖИЙ ТАЖРИБАЛАР”**

Модули бўйича

Ў Қ У В – У С Л У Б И Й М А Ж М У А

Модулнинг ишчи дастури Олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими ўқув-методик бирлашмалари фаолиятини Мувофиқлаштирувчи кенгашининг 2019 йил 2 ноябрдаги 1023-сонли буйруғи билан тасдиқланган ўқув дастури ва ўқув режасига мувофиқ ишлаб чиқилган.

Тузувчи: доцент А.К.Юсупова

Тақризчи: профессор А.Қ.Ўринов

МУНДАРИЖА

I. ИШЧИ ДАСТУР.....	4
II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТРЕФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ.....	11
III. НАЗАРИЙ МАШҒУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ	14
IV. АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАР	41
V. КЕЙСЛАР БАНКИ.....	51
VI. МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМ МАВЗУЛАРИ.....	52
VII. ГЛОССАРИЙ.....	53
VIII. АДАБИЁТЛАР РЎЙҲАТИ	58

I. ИШЧИ ДАСТУР

Кириш.

Маълумки, мамлакатимиз мустақиллиги миллий таълим соҳасида туб ислохотларни амалга ошириш учун замин яратди. Замонавий талаблар инobatга олинган ҳолда, олий ўқув юртларининг педагог кадрларини қайта тайёрлаш йўналишлари бўйича қайта тайёрлаш ва малака оширишнинг ўқув дастурларини мунтазам такомиллаштириб бориш ишларини ташкил этиш бугунги куннинг долзарб вазифаларидан бири ҳисобланади.

Дастур Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июндаги “Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4732-сонли, 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли, 2019 йил 27 августдаги “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг узлуксиз малакасини ошириш тизимини жорий этиш тўғрисида”ги ПФ-5789-сонли Фармонлари, шунингдек 2017 йил 20 апрелдаги “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ–2909-сонли қарорида белгиланган устувор вазифалар мазмунидан келиб чиққан ҳолда тузилган бўлиб, у олий таълим муассасалари педагог кадрларининг касб маҳоратларини оширишга ҳамда олий таълим соҳасида амалга оширилаётган катъий ислохотлар мазмунини очиқ беришни мақсад қилади.

Ҳозирги вақтда мамлакатимизнинг барча соҳаларида ислохотларни амалга ошириш, одамларнинг дунёқарашини ўзгартириш, етук ва замон талабига жавоб берадиган мутахассис кадрларни тайёрлашни ҳаётнинг ўзи тақозо этмоқда. Республикада таълим тизимини мустаҳкамлаш, уни замон талаблари билан уйғунлаштиришга катта аҳамият берилмоқда. Бунда мутахассис кадрларни тайёрлаш, таълим ва тарбия бериш тизими ислохотлар талаблари билан чамбарчас боғланган бўлиши муҳим аҳамият касб этади. Замон талабларига жавоб бера оладиган мутахассис кадрларни тайёрлаш, Давлат талаблари асосида таълим ва унинг барча таркибий тузилмаларини такомиллаштириб бориш олдимизда турган долзарб масалалардан биридир.

Ҳозирги кунда олий таълим муассасаларини бошқариш соҳасида ҳар бир раҳбар ходимлар ва профессор-ўқитувчилар норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда назарда тутилган ўз ҳуқуқлари, мажбуриятлари ва жавобгарлигини билиши лозим.

Ушбу дастурда олий таълимнинг норматив-ҳуқуқий асослари жумладан: Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонуни, Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури, Ўзбекистон Республикаси

Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ҳамда олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг буйруқлари баён этилган.

Бугунги кунда олий таълим муассасалари томонидан таълим ва тарбия жараёнларини ташкил этишда: Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, Таълим тўғрисидаги қонун, Кадрлар таёрлаш Миллий дастури, фармонлар, қарорлар ва буйруқлар каби норматив ҳужжатлар қўлланилмоқда. Лекин шу кунга қадар таълим ва тарбия жараёнларини субъектлари томонидан ушбу ҳужжатларни амалда қўлланилишининг назарий ва амалий жихатлари деярли ўрганилмаган. Бу ҳолатлар олий таълим муассасаларида қўлланиладиган олий таълимнинг норматив-ҳуқуқий асосларини ҳар томонлама назарий ва амалий жихатдан ўрганиш ва таҳлил этишни долзарблигидан далолат беради.

“Математика фанини ўқитишда илғор хорижий тажрибалар” модулида олий таълим муассасаларида математика ўқитишда инновацион технологияларнинг амалий ва назарий асосларини ўрганиш ва улардан амалиётда фойдаланишнинг энг долзарб муаммолари ўрганилади.

Ушбу модул бўйича ишчи дастур олий таълим математика фани ўқитувчиларининг малакасини ошириш жараёнида қўлланилади.

Модулнинг мақсади ва вазифалари.

“Математика фанини ўқитишдаги илғор хорижий тажрибалар” модулининг мақсади: педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малака ошириш курс тингловчиларининг бу борадаги хорижда ва мамлакатимизда тўпланган илғор тажрибаларни ўрганиш ва амалда қўллаш кўникма ва малакаларини шакллантириш.

Модулининг вазифалари:

- замонавий талабларга мос ҳолда олий таълимнинг сифатини таъминлаш учун зарур бўлган педагогларнинг касбий компетентлик даражасини ошириш;

- математика фани таълим йўналишида ўқитишнинг энг сўнгги педагогик технологиялардан фойдаланиш ва илғор хорижий тажрибаларни ўзлаштириш.

- тингловчиларга “математика” масалалари бўйича концептуал асослар, мазмуни, таркиби ва асосий муаммолари бўйича маълумотлар бериш ҳамда уларни мазкур йўналишда малакасини оширишга кўмаклашиш;

- таълим-тарбия жараёнида фаннинг мазмуни, функциялари, таркибий унсурларини ёритиш ва тингловчиларда улардан фойдаланиш маҳоратини ошириш;

• демократик жамият ривожини таъминлаш, юксак малакали мутахассис кадрлар тайёрлаш борасидаги ислохотларни амалга ошириш жараёнида илғор хориж тажрибасини ўрганиш ва улардан самарали фойдаланиш маҳоратини ошириш.

Модуль бўйича тингловчиларнинг билими, кўникмаси, малакаси ва компитентлигига қўйиладиган талаблар.

«Математика фанини ўқитишдаги илғор хорижий тажрибалар» модулини ўзлаштириш жараёнида амалга ошириладиган масалалар доирасида:

Тингловчи:

- математика фани бўйича Республика илмий-тадқиқот ишларини ривожлантиришнинг устивор йўналишларини ва уларнинг моҳиятини билиши зарур;

- янги инновацион ва педагогик технологияларни ва уларнинг халқаро қиёсий таҳлилини;

- математика соҳасига оид янги назарий қарашлар ва концепцияларни, илмий натижалар, илмий адабиётлар ёки илмий-тадқиқот лойиҳаларини таҳлил қилишни;

- ўтказилаётган илмий-тадқиқот лойиҳалари мавзуси бўйича моделлар, алгоритмлар, методлар тадқиқот қилиши ва ишлаб чиқишни;

- математика соҳасидаги янги тенденцияларни ўқув машғулотида талабларга тушунтириб бера олиш;

- математика фанига оид амалий ва назарий масалаларини ечиши, янги технологияларни ва дастурлар пакетларини қўллашни;

- ўтказилаётган илмий-тадқиқот лойиҳалари мавзуси бўйича моделлар, алгоритмлар, методлар тадқиқот қилиши ва ишлаб чиқишни;

- илмий тадқиқотларни ўтказиши ва уларнинг натижаларини қайта ишлаш ва таҳлил қилишни;

- илмий-техникавий ҳисоботлар тузиш, тадқиқотлар мавзуси бўйича илмий шарҳларни ишлаб чиқиши, реферат ва библиографияларни тузишни;

- илмий семинарлар, илмий-техникавий конференциялар ташкил этиш ва иштирокни;

- илмий-техникавий мавзуларга мос журналларга мақолалар тайёрлаш, ихтиро, илмий кашфиётларни патентлаш, фундаментал, амалий, инновацион ва халқаро лойиҳалар тайёрлаш ва лицензиялашни билиши ва кўникмаларини эгаллаши;

Тингловчи:

- ўқув фанларини ўқитиш методикаси эгаллаш;
- намунавий методикалар ва бошқалар бўйича назарий ва амалий машғулотларни ўтказиш ва улар натижаларини қайта ишлаш;
- математика соҳасида ахборот технологиялари ёрдамида мустақил равишда янги билим ва амалий кўникмалари ёрдамида мустақил равишда янги билим ва амалий кўникмаларни эгаллаши ҳамда улардан амалий фойдалана олиш қобилиятига эга бўлиш;
- янги ғояларни яратиш ва илмий-тадқиқот ишларини мустақил олиб бориш қобилиятига илмий жамоада ишлаш;
- ўзининг интеллектуал ва умуммаданий даражасини такомиллаштириш қобилиятига эга бўлиши ва ўз шахсининг маънавий ва жисмоний такомиллашишига эришиш;
- замонавий ахборот ва педагогик технологиялардан фойдаланиб ноанъанавий ўқув машғулотларини ўтказиш;
- ўқитилаётган фанлар бўйича дарсларни ўтказиш учун зарур бўлган ўқув-методик ҳужжатларни тузиш, тайёрлаш ва расмийлаштириш;
- ўқитилаётган фан бўйича машғулотларни ўтказиш учун ўқитишнинг техник воситаларидан фойдаланиш
- математика таълим йўналишидаги фанлардаги янгиликлар асосида ўқув дастурлари ва ўқув-услубий мажмуаларга ўзгартириш киритиш;
- маъруза материалларини янги хорижий ва миллий адабиётлар асосида янгилаш;
- мазкур йўналишдаги фанлар доирасида талабаларнинг мустақил амалий фаолиятини ташкил этиш **малакаларини эгаллаши;**

Тингловчи:

- мазкур йўналишда тўпланган янги маълумотларни саралаш ва муайян фанлар доирасида тизимлаштириш, аниқ, лўнда, тушунарли равишда баён этиш;
- модулли ёндашув асосида ўқув жараёнини ташкил этиш;
- технологик ёндашув асосида таълим ва тарбия жараёнини бошқариш**лаёқатларни эгаллаши лозим.**

Модулни ташкил этиш ва ўтказиш бўйича тавсиялар.

«Математика фанини ўқитишдаги илғор хорижий тажрибалар» модули маъруза ва амалий машғулотлар шаклида олиб борилади.

Курсни ўқитиш жараёнида таълимнинг замонавий услублари, ахборот-коммуникация технологиялари қўлланилиши назарда тутилган:

- маъруза дарсларида замонавий компьютер технологиялари ёрдамида тақдимот ва электрон-дидактик технологиялардан;

-ўтказиладиган амалий машғулотларда техник воситалардан, экспресс-сўровлар, тест сўровлари, ақлий ҳужум, гуруҳли фикрлаш, кичик гуруҳлар билан ишлаш, ва коллоквиум ўтказиш, ва бошқа интерактив таълим усуллари қўллаш назарда тутилади.

Модулнинг ўқув режадаги бошқа модуллар билан боғлиқлиги ва узвийлиги.

«Математика фанини ўқитишдаги илғор хорижий тажрибалар» модули ўқув режадаги бошқа модуллари ва мутаххасислик фанларининг барча соҳалари билан узвий боғланган ҳолда педагогларнинг бу соҳа бўйича касбий педагогик тайёргарлик даражасини орттиришга хизмат қилади.

Модулнинг олий таълимдаги ўрни.

Модулни ўзлаштириш орқали тингловчилар таълим жараёнини ташкил этишда технологик ёндашув асосларини ва бу борадаги илғор тажрибани ўрганадилар, уларни таҳлил этиш, амалда қўллаш ва баҳолашга доир касбий лаёқатга эга бўлиш, илмий-тадқиқотда инновацион фаолият ва ишлаб чиқариш фаолияти олиб бориш, консалтинг хизмати фаолиятини бошқара олиш каби касбий компетентликка эга бўладилар.

Модуль бўйича соатлар тақсимоти.

№	Модул бирлиги номи	Тингловчининг ўқув юкلامаси, соат				
		Ҳаммаси	Аудиториядаги ўқув юкلامаси			
			Жами	Жумладан:		
		Назарий		Амалий машғулот	Кўчма машғулот	
1.	Дунёнинг ривожланган давлатларда таълим тизими. Ўқув, ўқув-услубий ва илмий-тадқиқот жараёнларининг ташкил этилиши.	4	4	2	2	
2.	Европа-АҚШ модуль тизими ва уни математика фани ўқитилишида жорий этилиши. Таълим хизматлар маркетинги.	4	4	2	2	
3.	Математика фанлари ривожига хисса қўшган олимлар. Ўзбекистонда математика	2	2		2	

	илмий мактаблари.					
	Жами:	10	10		6	

НАЗАРИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ

1 – мавзу. Дунёнинг ривожланган давлатларда таълим тизими. Ўқув, ўқув-услубий ва илмий- тадқиқот жараёнларининг ташкил этилиши. (2 соат)

Дунё университетлари рейтингларини аниқлаш тизимлари. Математика фани бўйича жаҳон олий таълим муассасалари рейтинги. Жаҳоннинг етук университетларда ва Ўзбекистонда математика фанлари ўқитилиши.

2-мавзу. Европа-АҚШ модуль тизими ва уни математика фани ўқитилишида жорий этилиши. Таълим хизматлар маркетинги. (2 соат)

Болония жараёнининг таълимнинг интеграциялашувидаги аҳамияти. Баҳолашни кредит тизимининг моҳияти. Таълим хизматлар маркетинги. Ўзбекистонда таълим интеграциясининг айрим хусусиятлари.

АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ

1-мавзу. Дунёнинг ривожланган давлатларда таълим тизими. Ўқув, ўқув-услубий ва илмий-тадқиқот жараёнларининг ташкил этилиши.

Дунё университетлари рейтингларини аниқлаш тизимлари. Математика фани бўйича жаҳон олий таълим муассасалари рейтинги. Жаҳоннинг етук университетларда ва Ўзбекистонда математика фанлари ўқитилиши.

2- мавзу. Европа-АҚШ модуль тизими ва уни математика фани ўқитилишида жорий этилиши. Таълим хизматлар маркетинги.

Болония жараёнининг таълимнинг интеграциялашувидаги аҳамияти. Баҳолашни кредит тизимининг моҳияти. Таълим хизматлар маркетинги. Ўзбекистонда таълим интеграциясининг айрим хусусиятлари.

3-мавзу. Математика фанлари ривожига хисса қўшган олимлар. Ўзбекистонда математика илмий мактаблари.

Сўнгги йилларда Ўзбекистонда математика фанининг ривожланиши, энг машҳур олимлари ва уларнинг илмий мактаблари. Сўнгги йиллардаги Абель мукофотнинг совриндорлари. Очиқ математик муаммолар.

ЎҚИТИШ ШАКЛЛАРИ:

Мазкур модул бўйича қуйидаги ўқитиш шаклларидадан фойдаланилади:

- маърузалар, амалий машғулотлар (маълумотлар ва технологияларни англаб олиш, ақлий қизиқишни ривожлантириш, назарий билимларни мустаҳкамлаш);
- давра суҳбатлари (кўрилаётган лойиҳа ечимлари бўйича таклиф бериш қобилиятини ошириш, эшитиш, идрок қилиш ва мантиқий хулосалар чиқариш);
- баҳс ва мунозаралар (лойиҳалар ечими бўйича далиллар ва асосли аргументларни тақдим қилиш, эшитиш ва муаммолар ечимини топиш қобилиятини ривожлантириш).

II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТРЕФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ

“Тушунчалар таҳлили” методи.

Методнинг мақсади: мазкур метод талабалар ёки қатнашчиларни мавзу бўйича таянч тушунчаларни ўзлаштириш даражасини аниқлаш, ўз билимларини мустақил равишда текшириш, баҳолаш, шунингдек, янги мавзу бўйича дастлабки билимлар даражасини ташхис қилиш мақсадида қўлланилади.


Методни амалга ошириш тартиби:

- иштирокчилар машғулот қоидалари билан таништирилади;
- ўқувчиларга мавзуга ёки бобга тегишли бўлган сўзлар, тушунчалар номи туширилган тарқатмалар берилади (индивидуал ёки гуруҳли тартибда);
- ўқувчилар мазкур тушунчалар қандай маъно англатиши, қачон, қандай ҳолатларда қўлланилиши ҳақида ёзма маълумот берадилар;
- белгиланган вақт якунига етгач ўқитувчи берилган тушунчаларнинг тугри ва тулиқ изоҳини уқиб эшиттиради ёки слайд орқали намойиш этади;
- ҳар бир иштирокчи берилган тугри жавоблар билан узининг шахсий муносабатини таққослайди, фарқларини аниқлайди ва ўз билим даражасини текшириб, баҳолайди.

“Давра суҳбати” методи.

Айлана стол атрофида берилган муаммо ёки саволлар юзасидан таълим олувчилар томонидан ўз фикр-мулоҳазаларини билдириш орқали олиб бориладиган ўқитиш методидир.

“Давра суҳбати” методи қўлланилганда стол-стулларни доира шаклида жойлаштириш керак. Бу ҳар бир таълим олувчининг бир-бири билан “кўз алоқаси”ни ўрнатиб туришига ёрдам беради. Давра суҳбатининг оғзаки ва ёзма шакллари мавжуддир. Оғзаки давра суҳбатида таълим берувчи мавзунини бошлаб беради ва таълим олувчилардан ушбу савол бўйича ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришларини сўрайди ва айлана бўйлаб ҳар бир таълим олувчи ўз фикр-мулоҳазаларини оғзаки баён этадилар. Сўзлаётган таълим олувчини барча диққат билан тинглайди, агар муҳокама қилиш лозим бўлса, барча фикр-мулоҳазалар тингланиб бўлингандан сўнг муҳокама қилинади. Бу эса таълим олувчиларнинг мустақил фикрлашига ва нутқ маданиятининг ривожланишига ёрдам беради.



Белгилар:

1-таълим

олувчилар

“Ассесмент” методи.

Методнинг мақсади: мазкур метод таълим олувчиларнинг билим даражасини баҳолаш, назорат қилиш, ўзлаштириш кўрсаткичи ва амалий кўникмаларини текширишга йўналтирилган. Мазкур техника орқали таълим олувчиларнинг билиш фаолияти турли йўналишлар (тест, амалий кўникмалар, муаммоли вазиятлар машқи, қиёсий таҳлил, симптомларни аниқлаш) бўйича ташҳис қилинади ва баҳоланади.

Методни амалга ошириш тартиби:

“Ассесмент” лардан маъруза машғулотларида тингловчиларнинг мавжуд билим даражасини ўрганишда, янги маълумотларни баён қилишда, семинар, амалий машғулотларда эса мавзу ёки маълумотларни ўзлаштириш даражасини баҳолаш, шунингдек, ўз-ўзини баҳолаш мақсадида индивидуал шаклда фойдаланиш тавсия этилади. Шунингдек, ўқитувчининг ижодий ёндашуви ҳамда ўқув мақсадларидан келиб чиқиб, ассесментга қўшимча топшириқларни киритиш мумкин.

Намуна. Ҳар бир катакдаги тўғри жавоб 5 балл ёки 1-5 балгача баҳоланиши мумкин.



Тест

... нисбатан мустақил, мантикий яқунга эга бўлган, ўқув-методик таъминотдан, назарий ва амалий қисмлардан, топшириқ ва жорий ҳамда яқуний назорат каби қисмлардан иборат таълим дастурнинг бўлагидир. Нима ҳақида гап кетмоқда?

- А. кредит
- В. ўқув модули
- С. йўналиш



Қиёсий таҳлил

Математик анализ дарсида функциянинг лимити ҳақида маълумот берилмоқда. Ушбу мавзу бошқа етакчи хорижий ОТМларда қандай ўтилади?



Тушунча таҳлили

- Ўқув модули бу...



Амалий кўникма

«Чизиқли тенгламалар системасини ечиш усуллари» мавзуси бўйича маъруза дарсининг технологик харитасини тузинг

Венн Диаграммаси методи.

Методнинг мақсади: Бу метод график тасвир орқали ўқитишни ташкил этиш шакли бўлиб, у иккита ўзаро кесишган айлана тасвири орқали ифодаланади. Мазкур метод турли тушунчалар, асослар, тасаввурларнинг анализ ва синтезини икки аспект орқали кўриб чиқиш, уларнинг умумий ва фарқловчи жиҳатларини аниқлаш, таққослаш имконини беради.

Методни амалга ошириш тартиби:

-иштирокчилар икки кишидан иборат жуфтликларга бирлаштириладилар ва уларга кўриб чиқиладиган тушунча ёки асоснинг ўзига хос, фарқли жиҳатларини (ёки акси) доиралар ичига ёзиб чиқиш таклиф этилади;

-навбатдаги босқичда иштирокчилар тўрт кишидан иборат кичик гуруҳларга бирлаштирилади ва ҳар бир жуфтлик ўз таҳлили билан гуруҳ аъзоларини таништирадилар;

-жуфтликларнинг таҳлили эшитилгач, улар биргалашиб, кўриб чиқиладиган муаммо ёхуд тушунчаларнинг умумий жиҳатларини (ёки фарқли) излаб топадилар, умумлаштирадилар ва доирачаларнинг кесишган қисмига ёзадилар.

III. НАЗАРИЙ МАШҒУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ

1 - мавзу: ТАЪЛИМ ВА ТАРБИЯ ЖАРАЁНЛАРИНИ ТАШКИЛ ЭТИШДА ХОРИЖИЙ ТАЖРИБА

РЕЖА:

- 1.1. Дунё университетлари рейтингларини аниқлаш тизимлари
- 1.2. Математика фани бўйича жаҳон олий таълим муассасалари рейтинги
- 1.3. Жаҳоннинг етук университетларда ва Ўзбекистонда математика фанлари ўқитилиши

Таянч иборалар: математика фани, математика таълими, олий таълим, университетлар рейтинги, бакалавр, магистратура, ўқув режалар, ўқув фани, хорижий тажриба, ўқув дастури.

1.1. Дунё университетлари рейтингларини аниқлаш тизимлари.

Дунё университетлари рейтингларини аниқлаш бўйича турли тизимлар мавжуд. Улар бир-биридан рейтинг ҳисоблаш методологияси билан фарқланади. Ушбу маърузада биз етакчи учта рейтинг ҳисоблаш тизимларини кўриб чиқамиз. Улар:

- Academic Ranking of World Universities;
- QS World University Rankings;
- Times Higher Education World University Rankings;

Academic Ranking of World Universities (ARWU). ARWU Цзяо Тун номидаги Шанхай Университети Олий Таълим Академиясининг Жаҳоннинг Юқори Университетлари Тадқиқот Маркази томонидан биринчи марта 2003 йил июн ойида эълон қилинган бўлиб, у ҳар йили янгиланиб боради. ARWU олтига объектив кўрсаткичларлар асосида аниқланади, бундан ташқари Нобель ёки Филдс мукофоти билан тақдирланган битирувчи ва ходимлар сони, юқори иқтибосликка эга тадқиқотчилар сони, Nature ва Science илмий журналларида чоп этилган мақоллар сони, Science Citation Index-Expanded ва Social Sciences Citation Index да кўрсатилган мақоллар сони, университет битирувчилари улушлари каби кўрсаткичлар ҳам ҳисобга олинади. Ҳар йили ARWU рейтингига 1200 дан ортиқ университетлар киритилади ва улардан энг яхши 500 таси эълон қилинади. ARWU нинг методикаси илмий асосланган, турхун ва шаффоф ҳисобланади. Шу туфайтли энг ишончли рейтинг ҳисоблаш тизимларидан бири ҳисобланади.

QS World University Rankings(QS). QS нинг бирламчи мақсади бу талабаларни дунёнинг энг етакчи университетларини солиштириш юзасидан маълумот беришдан иборат. Олтига ҳисоблаш кўрсаткичига асосланган ҳолда, университетлар рейтинги тўртта соҳа бўйича баҳоланади: илм-тадқиқот, ўқитиш, битирувчиларнинг иш билан бандлиги ва ҳалқаро алоқалари.

Ҳар бир кўрсаткич турли вазнлар белгиланган бўлиб, умумий рейтингга таъсир кўрсатади. Тўртта кўрсаткич аниқ берилганларга асосланади, қолган иккитаси эса сўров-тадқиқот асосида, улардан бири академик доира орасидан, иккинчиси иш берувчилар орасидан ўтказилади. Бу кўрсаткичларга қуйидагича вазнлар белгиланган:

1. Академик доирада баҳолаш – 40 %;
2. Иш берувчилар доирасида баҳолаш – 10 %;
3. Ишга жошлаган битирувчилар улуши(факультетлар кесимида) – 20%;
4. Иқтибослик (факультетлар кесимида) – 20%
5. Ҳалқаро факультетлар улуши – 5%;
6. Ҳалқаро талабалар улуши – 5%.

QS га 2004 йили асос солинган. У йилига минглаб университетларнинг рейтингини ҳисоблайди ва улардан 400 тасига индивидуал ўрин берилади, қолганларига: 401-410 дан 701+ гача ўрин берилади.

Times Higher Education World University Rankings (THE WUR). **THE WUR** рейтинг ҳисоблаш методологияси ҳам тўрт асосий кўрсаткичга асосланган. Булар ўқитиш, илмий-тадқиқот, билим алмашинуви ва ҳалқаро истиқболлардир. Бунда 13 та синчиклаб танланган натижавий кўрсаткичлари орқали ҳисоблан университетлар солиштирмалари талабалар, олимлар, ҳамда олий таълим муассасалари раҳбарлари, саноат сектори, ҳамда ҳокимият ишонларини қозонган. Натижавий кўрсаткичлар 5 та гуруҳга таснифланган. Булар:

- Ўқитиш (ўрганиш муҳити);
- Тадқиқот (ҳажми, даромад ва репутация);
- Иқтибослик (тадқиқот эффекти);
- Ҳалқаро истиқболлар (ходимлар, талабалар ва тадқиқотлар);
- Саноат даромади (билимлар алмашинуви).

THE WUR нинг рейтинг аниқлашда рўйхатга кирмайдиган университетлар:

- бакалавр тайёрламайдиган университетлар;
- профессор-ўқитувчилари, тадқиқотчилари 5 йил давомида йилига 200 тадан кам мақола чоп этмайдиган университетлар;

THE WUR нинг рейтинг ҳисоблаш соҳалар бўйича тақсимоти қуйидаги схема келтирамиз:

SUBJECT RANKINGS METHODOLOGY														
Indicator	Teaching The learning environment				Research volume, income and reputation				Citations per paper	Industry income revenues	International outlook			
	Peer reviews/ Academic Staff	Peer reviews/ Students	Peer reviews/ Non-academic Staff	Academic Staff/ Research Staff	Academic Staff/ Research Staff	Academic Staff/ Research Staff	Academic Staff/ Research Staff	Academic Staff/ Research Staff	Industry income/ Research	Industry income/ Research	Ratio of international to research staff	International outlook for students	Ratio of international to research staff	
ARTS & HUMANITIES														
Group weight	37.5				37.5				15	2.5	7.5			
Indicator weight	3.8	1.9	4.7	25.3	1.9	3.8	3.8	30	15	2.5	2.5	2.5	2.5	
CLINICAL, PRE-CLINICAL & HEALTH, LIFE SCIENCES & PHYSICAL SCIENCES														
Group weight	27.5				27.5				35	2.5	7.5			
Indicator weight	2.8	1.4	4.1	17.9	1.4	4.1	4.1	19.3	35	2.5	2.5	2.5	2.5	
ENGINEERING & TECHNOLOGY														
Group weight	30				30				27.5	5	7.5			
Indicator weight	3	1.5	4.5	19.5	1.5	4.5	4.5	21	27.5	5	2.5	2.5	2.5	
SOCIAL SCIENCE														
Group weight	22.5				22.5				25	2.5	7.5			
Indicator weight	3.3	1.6	4.9	21.1	1.6	4.9	4.9	22.8	25	2.5	2.5	2.5	2.5	





















1.2. Математика фани бўйича жаҳон олий таълим муассасалари рейтингги.

Юқорида келтирилган рейтинг ҳисоблаш тизимларининг ҳар бирида математика бўйича университетлар рейтинглари кўрсаткичларини қуйидаги жадвалларда келтирамиз:

МАТЕМАТИКА БЎЙИЧА РЕЙТИНГИ ЭНГ ЮҚОРИ БЎЛГАН УНВЕРСИТЕТЛАР.










Жадвал 1.1

Academic Ranking of World Universities in Mathematics -2015¹

Рейтинг	Муассаса	Мамлакат	Умумий баҳоси
1	Princeton University		100.0
2	Stanford University		89.4
3	Harvard University		87.2
4	University of California, Berkeley		82.6
5	Pierre and Marie Curie University - Paris 6		81.4
6	King Abdulaziz University		79.2
7	University of Oxford		72.1
8	University of California, Los Angeles		71.9
9	University of Cambridge		71.4
10	University of Paris-Sud (Paris 11)		71.0
11	University of Minnesota, Twin Cities		69.6
12	Massachusetts Institute of Technology (MIT)		67.4
13	University of Warwick		65.3
14	Swiss Federal Institute of Technology Zurich		63.2
15	Texas A&M University		63.2
16	University of Michigan-Ann Arbor		61.6
17	Columbia University		58.2
18	University of Washington		57.7
19	University of Wisconsin - Madison		57.7
20	Duke University		56.6












Жадвал 1.2

QS World University Rankings by Subject 2015 - Mathematics²

Рейтинг	Муассаса	Мамлакат	Умумий баҳоси
1.	Harvard University		97.6
2.	University of Cambridge		96.9
3.	University of Oxford		96.7
4.	Massachusetts Institute of Technology (MIT)		96.4
5.	Stanford University		96.0
6.	University of California, Berkeley (UCB)		94.7
7.	Princeton University		93.8
8.	University of California, Los Angeles (UCLA)		92.4
9.	ETH Zurich - Swiss Federal Institute of Technology		91.2





















¹<http://www.shanghairanking.com/SubjectMathematics2015.html>

²<http://www.topuniversities.com>

10.	University of Chicago		89.8
11.	Imperial College London		89.3
12.	National University of Singapore (NUS)		88.4
13.	New York University (NYU)		88.1
14.	University of Michigan		87.3
15.	California Institute of Technology (Caltech)		86.9
16.	University of Toronto		86.3
17.	Ecole Polytechnique		85.2
18.	The University of Tokyo		84.5
19.	Columbia University		84.4
20.	The University of Hong Kong		84.2

Жадвал 1.3

**Times Higher Education World University Rankings Subject Ranking
2015-2016¹**

Рейтинг	Муассаса	Мамлакат	Умумий баҳоси
1.	California Institute of Technology		96.7
2.	Stanford University		96.4
3.	Massachusetts Institute of Technology		93.7
4.	University of California, Berkeley		93.3
5.	Princeton University		92.8
6.	University of Cambridge		92.3
7.	Harvard University		92.3
8.	University of Oxford		92.0
9.	Cornell University		90.0
10.	Carnegie Mellon University		89.6
11.	University of California, Los Angeles		88.7
12.	ETH Zurich - Swiss Federal Institute of Technology		88.7
13.	Yale University		88.5
14.	École Polytechnique Fédérale de Lausanne		88.3
15.	University of Chicago		87.7
16.	Imperial College London		86.8
17.	University of Illinois at Urbana-Champaign		85.1
18.	Columbia University		84.5
19.	National University of Singapore		84.4
20.	University of Toronto		83.6

Математика бўйича рейтингюқорибўлган университетларда бакалавриатура бўйича ўқитиладиган фанлар, таълим йўналишлари ва кафедралар тўғрисидаги маълумотларни Academic Ranking of World Universities рейтинг ҳисоблаш тизимига киритилган университетлар бўйича келтирамиз. Қуйида Academic Ranking of World Universities бўйича юқори утчаликка кирган университетларда ўқитиладиган фанлар тўғрисида маълумот келтирилган:

¹<https://www.timeshighereducation.com>



Princeton University¹:Принстон Университети 1746 йили ташкил этилган бўлиб, у АҚШнинг энг қадимий университетларидан бири ҳисобланади. Принстон Университети математика бўлими унинг обрўсига катта таъсир кўрсатади.

Ўқитиладиган фанлар(мажбурий ва танлов фанлари):

Calculus I

Calculus II

Number, Shape and Symmetry

The Magic of Numbers

Useful Fictions

Calculus III (Multivariable Calculus)

Introduction to Linear Algebra

Advanced Multivariable Calculus

Numbers, Equations, and Proofs

Honors Analysis in a Single Variable

Accelerated Honors Analysis I

Honors Linear Algebra

Accelerated Honors Analysis II

Introduction to Real Analysis

Numerical Methods

Introduction to Differential Equations

Topics in Mathematical Modeling - Mathematical Neuroscience

Analysis I: Fourier Series and Partial Differential Equations

Complex Analysis with Applications

Analysis II: Complex Analysis

Applied Algebra

Algebra I

Algebra II

Fundamentals of multivariable analysis and calculus on manifolds

Introduction to Differential Geometry

Topology

Introduction to Graph Theory

Combinatorial Mathematics

Theory of Games

Probability Theory

Analytic Number Theory

Topics in Number Theory: Algebraic Number Theory

Analysis III: Integration Theory and Hilbert Spaces

Ordinary Differential Equations

Advanced Topics in Analysis

Cryptography

¹<http://www.princeton.edu>

Commutative Algebra
Topics in Algebra: Representation Theory
Advanced Topics in Geometry - Lie Theory
Algebraic Geometry
Advanced Topology
Random Processes
Functional Analysis
Introduction to Partial Differential Equations
Advanced Analysis
Riemann Surfaces

Математика фани, ҳамда Принстон Университетини дунёга танилишида куйидаги машхур математик олимларнинг хиссалари жуда каттадир:

- Генри Бурхард Файн (1885-1928 йй.)
- Лутер П. Эйзенхард (1876-1965 йй.)
- Гильберд Амес Блисс (1876-1951 йй.)
- Джордж Дэвид Биркгоф (1884-1944 йй.)
- Освальд Веблен (1880-1960 йй.)
- Джозеф Уеддербурн (1882-1948 йй.)
- Соломон Левшец (1884-1972 йй.)
- Джеймс Уэдделл Александер (1888-1971 йй.)
- Алонзо Чёрч (1903-1995 йй.)
- Эйнар Хилле (1894-1980 йй.)
- Джон фон Нейман (1903-1957 йй.)
- Юджин Вигнер (1902-1995 йй.)
- Говард Персий Робертсон (1903-1961 йй.)
- Саломон Бохнер (1899-1982 йй.)
- Алберт Уилям Тьюкер (1905-1995 йй.)
- Норман Эрл Стинрод (1910-1971 йй.)
- Ральф Фокс (1913-1973 йй.)
- Самуел Стэнли Уилкс (1906-1964 йй.)
- Джон Уайдер Тьюки (1915-2000 йй.)
- Герман Клаус Гуго Вейль (1885-1955 йй.)

Принстон Университети математика бўлимида ҳозирда куйидаги йўналишлар бўйича илмий изланишлар олиб борилади¹:

- Алгебраик геометрия;
- Алгебраик топология;
- Анализ;
- Суюқликлар таҳлили;
- Комбинаторика;
- Дифференциал геометрия ва геометрик анализ;
- Дискрет математика;
- Эргодик назария ва статистик механика;
- Математик физика;
- Нётер ҳалқаси;

¹<http://www.princeton.edu>

- Сонлар назарияси;
- Амалий математика;
- Эҳтимоллар назарияси;
- Симплетик геометрия;
- Топология;



Stanford University¹: Стенфорд университети дунёнинг энг етакчи университетларидан бири ҳисобланади. Унинг яратилиш тарихи 1891 йилга бориб тақалади. Ҳозирда университетда 6994 бакалавр талабалари, 9128 та магистрантлар таҳсил оладилар. 5500 та ташқи хомий ташкилотлар илмий лойиҳалари мавжуд. Умумий бюджети 1.22 миллиард АҚШ

долларини ташкил этади. 2153 та ходимлар фаолият олиб боради, ҳамда 20 та Нобель мукофоти лауреатлари ушбу университетга тегишли.

Ўқитиладиган фанлар(мажбурий ва танлов фанлари)²:

Calculus
 Linear Algebra and Differential Calculus of Several Variables
 Honors Multivariable Mathematics
 Introduction to MATLAB for Multivariable Mathematics
 Integral Calculus of Several Variables
 Ordinary Differential Equations with Linear Algebra
 The Game of Go: Strategy, Theory, and History
 Mathematics for Machine Learning
 Capillary Surfaces: Explored and Unexplored Territory
 Mathematics of Knots, Braids, Links, and Tangles
 Math Discovery Lab
 Applied Matrix Theory
 Functions of a Complex Variable
 Graph Theory
 Introduction to Combinatorics and Its Applications
 Applied Group Theory
 Applied Number Theory and Field Theory
 Linear Algebra and Matrix Theory
 Introduction to Scientific Computing
 Functions of a Real Variable
 Complex Analysis
 Mathematics of Computation
 Groups and Rings
 Galois Theory
 Modules and Group Representations
 Partial Differential Equations I
 Partial Differential Equations II

¹<https://www.stanford.edu>

²<https://www.stanford.edu>

Stochastic Processes
Mathematical Methods of Classical Mechanics
Celestial Mechanics
Hyperbolic Geometry
Differential Geometry
Algebraic Geometry
Analysis on Manifolds
Differential Topology
Algebraic Topology
Introduction to Probability Theory
Elementary Theory of Numbers
Algebraic Number Theory
Analytic Number Theory
Basic Probability and Stochastic Processes with Engineering Applications
Discrete Probabilistic Methods
Set Theory
Philosophy of Mathematics
Fundamental Concepts of Analysis
Lebesgue Integration and Fourier Analysis
Theory of Partial Differential Equations
Calculus of Variations
Elementary Functional Analysis
Geometric Methods in the Theory of Ordinary Differential Equations
Introduction to Financial Mathematics
Real Analysis
Modern Algebra I
Modern Algebra II
Lie Theory
Complex Analysis, Geometry, and Topology
Complex Differential Geometry
Partial Differential Equations of Applied Mathematics
Mathematical Methods of Imaging
Numerical Solution of Partial Differential Equations
Partial Differential Equations and Diffusion Processes
Stochastic Methods in Engineering
Probability, Stochastic Analysis and Applications
Theory of Probability
An Introduction to Random Matrix Theory
Free Probability
Topics in Probability: Percolation Theory
Topics in Combinatorics: Non-constructive methods in combinatorics
Large Deviations Theory
Modern Markov Chain Theory
Introduction to Stochastic Differential Equations
Default and Systemic Risk
Computation and Simulation in Finance
Functions of Several Complex Variables
Riemann Surfaces
Topics in number theory: L-functions
Introduction to Ergodic Theory
Partial Differential Equations
Symplectic Geometry and Topology
Applied Fourier Analysis and Elements of Modern Signal Processing

Infinite-dimensional Lie Algebras
Crystal Bases: Representations and Combinatorics
Topics in Representation Theory
The H-Principle
Evolution Equations in Differential Geometry
Low Dimensional Topology
Homotopy Theory
Fiber Bundles and Cobordism
Topics in Geometric Topology
Geometry and Topology in Dimension 3
Advanced Topics in Convex Optimization
Applied mathematics through toys and magic

Математика фани, ҳамда Стенфорд Университетини дунёга танилишида қуйидаги машҳур математик олимларнинг хиссалари жуда каттадир:

- Теодор Уилбур Андерсон (1918 й. туғилган)
- Эммануел Кандэ (1970 й. туғилган)
- Пол Джозеф Кохэн (1934-2007 йй.)
- Брайн Конрад (1970 й. туғилган)
- Джордж Бернард Данциг (1914-2005 йй.)
- Кейт Девлин (1947 й. туғилган)
- Перси Диаконис (1945 й. туғилган)
- Дэвид Ли Донохо (1957 й. туғилган)
- Брэдли Эфрон (1938 й. туғилган)
- Соломон Фефермен (1928 й. туғилган)
- Джером Фридмен (1939 й. туғилган)
- Самуэль Карлин (1924-2007 йй.)
- Джозеф Бишоп Келлер (1923 й. туғилган)
- Мариам Мирзахани (1977 й. туғилган)
- Дьёрдь Пойа (1887-1985 йй.)
- Ричард Шён (1950 й. туғилган)
- Дэвид Зигмунд (1941 й. туғилган)
- Чарльз Стейн (1920 й. туғилган)
- Габор Сеге (1895-1985 йй.)
- Яу Шинтун (1949 й. туғилган)

Стенфорд университети математика бўлимида ҳозирда қуйидаги йўналишлар бўйича илмий изланишлар олиб борилади:

- Алгебраик геометрия;
- Амалий математика;
- Анализ/хусусий ҳосилали дифференциал тенгламалар;
- Комбинаторика;
- Молия математикаси;
- Геометрия;
- Сонлар назарияси;
- Эҳтимоллар назарияси;
- Тасвирлар назарияси;
- Симплетик геометрия;

- Топология;



HarvardUniversity¹. Гарвард Университети АҚШнинг энг қадимий университетларидан бири ҳисобланади. У 1636 йили ташкил топган. Ҳозирда университетда 2400 нафар ходим фаолият олиб бормоқда. 21000 бакалаврият ва магистратура талабалари таҳсил олмоқда. 47 та Нобель мукофоти совриндорлари, 32

давлат арбоблари, 48 Пулицер мукофоти совриндорлари шу университет битирувчилари, профессор-ўқитувчиларидир. Гарвард университети 11 асосий академик бўлимлардан: 10 та факультет ва Радклифф илмий-тадқиқот институтидан иборат. Факультетлар мактаблар ва бўлимлардан ташкил топган.

Ўқитиладиган фанлар(мажбурий ва танлов фанлари):

Series Expansions and Complex Analysis
Ordinary and Partial Differential Equations
Applied Algebra
Graph Theory and Combinatorics
Introduction to Scientific Computing
Mathematical Modeling
Mathematical Modeling
Applied Linear Algebra and Big Data
Introduction to Optimization: Models and Methods
Computational Geometry
Computational Geometry
Computational Geometry
Nonlinear Dynamical Systems
Physical Mathematics I
Physical Mathematics II
Introduction to Disordered Systems and Stochastic Processes
Advanced Scientific Computing: Numerical Methods
Advanced Applied Algebra
Advanced Scientific Computing: Stochastic Methods for Data Analysis, Inference and Optimization
Advanced Optimization
Stochastic Modeling
Information Processing and Statistical Physics
Special Topics in Applied Mathematics
Numerical Mathematics: Analysis, Synthesis and Computation
Numerical Mathematics: Analysis, Synthesis and Computation
Stochastic Processes, Dynamical Systems, Applied Differential Geometry
Special Topics in Physical Mathematics

¹<http://www.harvard.edu>

Гарвард Университети математика бўлимнинг машҳур математик олимлари:

- Хэйсукэ Хиронака (1931 й. туғилган)
- Холбрук Манн Макниль (1907-1973 йй.)
- Дэвид Брайант Мамфорд (1937 й. туғилган)
- Чарльз Сандерс Пирс (1839-1914 йй.)
- Даниель Грей Квиллен (1940-2011 йй.)
- Джон Винтруп (1714-1779 йй.)
- Чонси Райт (1830-1875 йй.)
- Бенджамин Пирс (1809-1880 йй.)
- Ноам Элкис (1966 й. туғилган)
- Манджул Бхаргава (1974 й. туғилган)











Гарвард университети математика бўлимида ҳозирда қуйидаги йўналишлар бўйича илмий изланишлар олиб борилади¹:

- Сонлар назарияси;
- Тасвирлар назариясининг геометрик аспектлари;
- Алгебраик сонлар назарияси;
- Алгебраик геометрия;
- Алгебраик топология;
- Анализ;
- Эҳтимоллар назарияси;
- Статистик физика;
- Дифференциал геометрия;
- Риман сиртлари;
- Комплекс динамика;
- Математик биология;
- Кўп комплекс ўзгарувчи функциялар назарияси;
- Ли группалари;
- Ли алгебралари;
- Ночизикли хусусий ҳосилали дифференциал тенгламалар;
- Математик физика;
- Тўпламлар назарияси;
- Квант динамикаси;
- Дифференциал тенгламалар;
- Ўйинлар назарияси.











¹<http://www.harvard.edu>

МАТЕМАТИКА БЎЙИЧА РЕЙТИНГИ ЭНГ ЮҚОРИ БЎЛГАН ОСИЁ УНВЕРСИТЕТЛАРИ.











Academic Ranking of World Universities in Mathematics -2015¹

Рейтинг	Муассаса	Мамлакат	Умумий баҳоси
6	King Abdulaziz University		79.2
22	City University of Hong Kong		55.9
23	King Fahd University of Petroleum & Minerals		55.5
27	Kyoto University		53.7
33	The Hebrew University of Jerusalem		52.3
37	Lanzhou University		51.4
39	The Chinese University of Hong Kong		50.3
42	Shanghai Jiao Tong University		49.8
43	Peking University		49.7
48	The University of Tokyo		47.5

QS World University Rankings by Subject 2015 – Mathematics²

Рейтинг	Муассаса	Мамлакат	Умумий баҳоси
12	National University of Singapore		88.4
18	The University of Tokyo		84.5
20	The University of Hong Kong		84.2
29	City University of Hong Kong		81.8
32	Nanyang Technological University, Singapore		81.4
33	The Hong Kong University of Science and Technology		81.2
36	Kyoto University		80.9
42	The Chinese University of Hong Kong		80.2
46	Peking University		79.6
49	Seoul National University		79.2

Times Higher Education World University Rankings Subject Ranking³

Рейтинг	Муассаса	Мамлакат	Умумий баҳоси
19	National University of Singapore		84.4
28	Peking University		78.9
34	University of Tokyo		72.8
37	Hong Kong University of Science and Technology		72.3
41	University of Hong Kong		71.0
43	Nanyang Technological University		69.9
47	Tsinghua University		68.2
54	Sungkyunkwan University		65.7
55	Kyoto University		65.6
77	Seoul National University		57.9

¹<http://www.shanghairanking.com>

²<http://www.topuniversities.com>

³<https://www.timeshighereducation.com>

Умумий статистик маълумотлар¹:
Регионлар бўйича:

Region	Top 20	Top 100	Top 200	Top 300	Top 400	Top 500
Americas	16	55	86	121	150	176
Europe	4	35	80	122	158	205
Asia/Pacific	—	10	34	55	90	114
Africas	—	—	—	2	2	5
Total	20	100	200	300	400	500

Давлатлар бўйича:

Country	Top20	Top100	Top200	Top300	Top400	Top500
United States	16	51	78	102	125	146
United Kingdom	3	9	21	28	33	37
Switzerland	1	4	6	7	7	7
Germany	—	4	13	21	28	39
France	—	4	8	15	18	22
Australia	—	4	8	11	19	20
Netherlands	—	4	8	10	12	12
Japan	—	4	7	9	12	18
Canada	—	4	6	16	18	20
Sweden	—	3	5	7	10	11
Belgium	—	2	4	6	7	7
Israel	—	2	4	4	4	6
Denmark	—	2	3	4	5	5
Norway	—	1	2	3	3	3
Finland	—	1	1	1	3	6
Russia	—	1	1	1	2	2
China	—	—	10	19	37	44

¹<http://www.shanghairanking.com>

Italy	—	—	5	8	10	20
Saudi Arabia	—	—	2	2	3	4
Singapore	—	—	2	2	2	2
Spain	—	—	1	5	8	13
South Korea	—	—	1	5	8	12
Austria	—	—	1	3	3	6
Brazil	—	—	1	1	4	6
Ireland	—	—	1	1	2	3
Argentina	—	—	1	1	1	1
South Africa	—	—	—	2	2	4
New Zealand	—	—	—	2	2	2
Portugal	—	—	—	1	2	3
Iran	—	—	—	1	1	2
Czech	—	—	—	1	1	1
Mexico	—	—	—	1	1	1
Poland	—	—	—	—	2	2
Chile	—	—	—	—	1	2
Greece	—	—	—	—	1	2
Malaysia	—	—	—	—	1	2
India	—	—	—	—	1	1
Serbia	—	—	—	—	1	1
Hungary	—	—	—	—	—	2
Egypt	—	—	—	—	—	1
Slovenia	—	—	—	—	—	1
Turkey	—	—	—	—	—	1
Total	20	100	200	300	400	500

1.3. Жаҳоннинг етук университетларида ва Ўзбекистонда математика фанларининг ўқитилиши.

Сўнгги йилларда дунёдаги вазият кескин ўзгармоқда: Олий таълимда интеграция ва глобализация жараёнлари рўй бермоқда. Шу муносабат билан бизнинг Олий таълим тизимимизда янги ўқитиш усуллари, принциплари кириб келмоқда. Олий маълумот олишнинг хорижий тажрибаларига назар соламиз. АҚШни таълим тизимидаги барча ОТМларини колледж ва университетларга ажратиш мумкин. Колледжлар АҚШ университетларининг алоҳида факультетлари бўлиб, улар тор билим соҳалари бўйича мутахассисларни тайёрловчи ва шу билан бирга 2 ва 4 йиллик ўқув дастури бўйича ўқитиладиган ОТМ ҳисобланади. Шундай қилиб АҚШ университетлари – бу колледж, мактаб ва илмий – тадқиқот марказларининг кенг бирлашмасидир. Яна бир фарқли томонларидан бири АҚШ университетлари таълимнинг кундузги, сиртки, кечки шаклларини бирлаштиради. Бу шаклдаги таълимни ишчи ёшлар маъқул кўришади. Бундай талабалар дам олиш ва хаттоки таътил вақтларида ҳам таълим олишлари мумкин. Америка ОТМлари учта асосий босқичдан иборат. Олий таълимнинг биринчи 4 йили 1-босқич ҳисобланади ва бу ҳолда талабага бакалавр даражаси берилади. Таълимнинг дастлабки икки йилида университетларда умумтаълим фанлари ўқитилади: гуманитар фанлар, математик ва табиий фанлар, информатика ва чет тиллари. Таълимнинг иккинчи йилнинг сўнггида талабалар чуқур ўрганишлари учун ўзлари фанларни танлашади. 2-босқичда таълим махсус дастур бўйича ўқитилиб, у турли соҳалардаги практик фаолиятга йўналтирилади. Бакалавр даражасини олган талаба магистр даражасини олиши учун яна 2 йил ўқиши ва магистрлик диссертациясини ёзиши, ҳамда уни ҳимоя қилиши зарур. АҚШ таълимининг энг юқори босқичи бу докторантура бўлиб, у ихтисослаштирилган таълим олишга ва мустақил илмий фаолият олиб боришга имкон беради.

Японияда Олий таълим олиш жуда қиммат ва барча ОТМлари тўлов-шартнома асосидадир. Давлат томонидан фақатгина кам таъминланган талабаларга стипендия кўринишида ёрдам берилади. Японияда ўқув жараёнининг ўзига хос томонларидан бири бу фанларни умумилмий(дастлабки икки йил: тарих, фалсафа, адабиёт, жамиятшунослик, чет тиллари) ва мутахассислик фанларга ажратилишидир. Бакалавр даражасини олиш учун 4 йил, магистр даражасини олиш учун эса яна икки йил таҳсил олиш керак.¹

Жорий йилнинг феврал ойидан бошлаб Ўзбекистон Республикаси ОТМлари ўқув режалари етакчи хорижий ОТМлари ўқув режалари билан қиёсий таҳлил қилинди, ҳамда такомиллаштириш ишлари олиб борилмоқда. Ушбу параграфда ЎЗМУ “Математика” таълим йўналиши ўқув режасига киритилган фанлар, ҳамда етакчи хорижий ОТМлари “Математика” таълим йўналиши ўқув режаларидаги фанлар тўғрисида маълумот берамиз. Етакчи

¹<http://nauchforum.ru/node/6738>

хорижий ОТМлари сифатида Сеул Миллий Университети (Seoul National University), Боннуниверситети (Rheinische Friedrich-Wilhelms-Universität Bonn), Бристолуниверситети (University of Bristol), Гумбольдт номидаги Берлинуниверситети (Humboldt-Universität zu Berlin), Георг-Август номидаги Гёттинген университети (Georg-August-Universität Göttingen), Экс-Марсель Университети (Aix-Marseille Université), Лондон Империял колледжи (Imperial College London), Киото Университети (Kyoto University) университетларини қараймиз. Ушбу университетларда ўқитиладиган фанларни таҳлил қиламиз: жорий йилда ЎзМУ математика таълим йўналиши ўқув режасига қуйидаги фанлар киритилган:

Дастурлаш асослари	Оддий дифференциал тенгламалар
Механика	Топология
Илмий ҳисоблар	Дифференциал геометрия
Математик статистика	Дискрет математика
Назарий физика асослари	Математик мантик
Математика ўқитиш методикаси	Эҳтимоллар назарияси
Математик анализ	Сонли усуллар
Алгебра	Хусусий ҳосилали дифференциал тенгламалар
Сонлар назарияси	Оптималлаштириш усуллари
Чизиқли алгебра ва аналитик геометрия	Функционал анализ
Геометрия	Комплекс анализ

ЎзМУ “Математика” таълим йўналиши ўқув режасидаги фанларнинг етакчи хорижий ОТМлари “Математика” таълим йўналиши ўқув режаларидаги мос фанлар аналогларини келтирамиз:

Сеул Миллий Университети:

Efficient Programming and Practice	Introduction to Topology 1
Teaching of mathematics	Introduction to Topology 2
Introduction to Scientific Computing	Discrete Mathematics
Introduction to Mathematical Analysis 1	Sets and Mathematical Logic
Introduction to Mathematical Analysis 2	Mathematical and Numerical Optimization
Real Analysis	Introduction to Numerical Analysis
Fourier Analysis and Applications	Numerical Linear Algebra
Linear Algebra 1	Partial Differential Equations
Linear Algebra 2	Applications of Partial Differential Equations
Number Theory	Introduction to Algebraic Geometry
Numerical Linear Algebra	Complex Function Theory 1
Differential Equations	Complex Function Theory 2
Introduction to Differential Geometry 1	
Introduction to Differential Geometry 2	

Бонн университети

Scientific Computing I	Introduction to Probability Theory
Scientific Computing II	Introduction to Statistics
Analysis I	Linear and Integer Optimisation
Analysis II	Introduction to Fundamentals of Numerics
Analysis III	Introduction to Numerical Mathematics
Linear Algebra I	Introduction to Partial Differential Equations
Linear Algebra II	Partial Differential Equations and Functional
Introduction to Algebra	Analysis

Introduction to Geometry and Topology
Geometry I
Introduction to Geometry and Topology
Topology I
Geometry II
Introduction to Discrete Mathematics
Introduction to Mathematical Logic

Partial Differential Equations and Modeling
Geometry I
Partial Differential Equations and Functional
Analysis
Introduction to Complex Analysis

Бристол университети

Mechanics 1
Mechanics 2
Mechanics 23
Computational Mathematics
Analysis 1A
Analysis 1B
Linear Algebra 2
Introduction to Group Theory
Number Theory
Linear Algebra and Geometry
Linear Algebra and Geometry
Ordinary Differential Equations 2
Differentiable Manifolds
Logic

Probability 1
Statistics 1
Statistics 2
Optimisation 2
Calculus of Variations
Numerical Analysis 2
Numerical Analysis 23
Applied Partial Differential Equations 2
Topics in Modern Geometry 3
Metric Spaces
Functional Analysis 3
Methods of Complex Functions
Complex Function Theory

Назорат саволлари:

1. Етакчи хорижий ОТМларида бакалаврлар учун қандай математик йўналишлари мавжуд?
2. Хорижий мамлакатларда таълим стандартлари қўлланиладими?
3. Математика таълим йўналиши бўйича дунё мамлакатларда рейтинг энг юқори бўлган давлат қайси?
4. Academic Ranking of World Universities рейтинг тизими тўғрисида маълумот беринг.
5. QS World University Rankings рейтинг тизими тўғрисида маълумот беринг.
6. Times Higher Education World University Rankings рейтинг тизими тўғрисида маълумот беринг.
7. Қандай рейтинг ҳисоблаш тизимларини биласиз?
8. Рейтинг ҳисоблаш тизимларида рейтинг ҳисоблашларнинг фарқли томонлари?
9. Европа давлатларида математика йўналиши бўйича рейтинг энг юқори бўлган университетлар тўғрисида маълумот беринг.
10. Осиё давлатларида математика йўналиши бўйича рейтинг энг юқори бўлган университетлар тўғрисида маълумот беринг.

Фойдаланган адабиётлар:
Махсус адабиётлар.

1. Узбекистан. Модернизация системы высшего образования //http://www.worldbank.org/content/dam/Worldbank/document/eca/central-asia/Uzbekistan-Higher-Education-Report-2014-ru.pdf

2. Philip G. Altbach (11 November 2010). "The State of the Rankings". Inside Higher Ed. Retrieved 27 January 2015. The major international rankings have appeared in recent months — the Academic Ranking of World Universities, the QS World University Rankings, and the Times Higher Education World University Rankings (THE).

3. "A world of opportunity". The Economics. 8 September 2005. Retrieved 30 January 2015. It is no accident that the most widely used annual ranking of the world's research universities, the Shanghai index, is produced by a Chinese university.

4. Wildavsky, Ben (2010). The Great Brain Race: How Global Universities are Reshaping the World. Princeton University Press.

Интернет манбаалар:

5. <http://www.shanghairanking.com>
6. <http://www.topuniversities.com>
7. <https://www.timeshighereducation.com>
8. <http://www.princeton.edu/main/>
9. <https://www.stanford.edu>
10. <http://www.harvard.edu>
11. <http://www.abelprize.no>

2-мавзу. ЕВРОПА-АҚШ МОДУЛЬ ТИЗИМИ ВА УНИ МАТЕМАТИКА ФАНИ ЎҚИТИЛИШИДА ЖОРИЙ ЭТИЛИШИ. ТАЪЛИМ ҲИЗМАТЛАР МАРКЕТИНГИ.

РЕЖА:

- 2.1. Болония жараёнининг таълимнинг интеграциялашувидаги аҳамияти
- 2.2. Баҳолашни кредит тизимининг моҳияти
- 2.3. Таълим ҳизматлар маркетинги. Ўзбекистонда таълим интеграциясининг айрим хусусиятлари.

Таянч иборалар. Болония жараёни, ўқув модули, кредит тизими, таълим ҳизматлар маркетинги, эдвайзер, тьютор.

2.1. Болония жараёнининг таълимнинг интеграциялашувидаги аҳамияти.



Болония жараёни – олий таълимда ягона Европа тизимини вужудга келтириш мақсадида Европа давлатлари таълим тизимини бир-бирига яқинлашуви ва мослашиш жараёнидир. Болония жараёни 1999 йил 19 июнда Европанинг 29 давлати томонидан Болония декларациясини расмий қабул қилиниши билан бошланди. Болония жараёнининг бошланиш тарихи 1970 йилларда Европа Иттифоқи вазирлар Кенгашининг таълим соҳасидаги биринчи резолюциясини қабул қилиниши билан белгиланади. 1998 йилда Европанинг 4 та давлати (Франция, Германия, Буюк Британия ва Италия) таълим вазирлари Париж университетининг 800 йиллигини нишонлаш вақтида, олий таълимдаги турли тизимлар Европада фан ва таълимни ривожланишига тўсиқ бўлаётганлиги тўғрисида бир фикрга келишди ва Сорбон декларациясини имзолашди. Декларациянинг мақсади Европада олий таълим тизимини стандартлаштириш мақсадида умумий қоидалар ишлаб чиқишдан иборат эди. Сорбон декларацияси мақсади 1999 йилда Болония декларациясини имзоланиши билан ўз тасдиғини топди ва Европанинг 29 давлати ўз хоҳиши билан, ихтиёрий равишда ушбу декларацияни имзоладилар. Ҳозирги кунда Болония декларациясига 50 давлат имзо қўйган¹.

Европа олий таълим тизими келажагини аниқлайдиган тамойиллар ичида қуйидаги 3 та омил асосий ўрин эгаллайди: 1. Икки поғонали (цикли) олий таълимни тадбиқ этиш (бакалавр, магистр). 2. Синов бирликларини кўчириш ва тўлдиришга имкон берувчи Европа кредит тизми (ECTS) ни жорий этиш. 3. Олий таълим муассасалари ва олий таълим дастурларини аккредитациялаш жараёнини Европача анъаналарга мослашган.

